

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида**»ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«дори воситалари — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) киради»;

ўн еттинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«**тиббий буюмлар** — касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар»;

қўйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи** ва **йигирманчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**қалбакилаштирилган дори воситаси** — таркиби ва (ёки) ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон маълумот илова қилинган дори воситаси;

сифатсиз дори воситаси — яроқсиз ҳолга келган дори воситаси ва (ёки) яроқлилиқ муддати ўтган дори воситаси;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари — интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари»;

2) **7-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини, қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади»;

3) **13-модданинг бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини реализация қилиш тақиқланади.

Сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади»;

4) **14-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш тақиқланади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-222-сон